O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
NAMANGAN SHAHAR YANGI NAMANGAN TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2022 - yil 19 - dekabr 577-6-222-Q/22 Yangi Namangan tuman hokimligi

Янги Наманган туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи ва муддатлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси бозорларида савдо фаолиятини ташкил этиш қоидалари”нинг 5, 57-бандларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туманида дам олиш куни ярмаркаларини ўтказиш жойи этиб **“Дўстлик саноат савдо комплекси”** МЧЖ худуди этиб белгилансин.

2. Туманда дам олиш куни ярмаркалари ҳафтанинг якшанба кунлари соат 08:00 дан 16:00 га қадар ташкил этилади.

3. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида савдо ўринлари бепул берилсин.

4. Дам олиш куни ярмаркалари ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва уларни қайта ишлашдан олинган товарларни, шунингдек илгари фойдаланишда бўлган ноозиқ-овқат истеъмол товарларини сотишга рухсат этилсин.

5. Туман давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими, санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими ва бошқа манфаатдор ташкилотлар дам олиш куни ярмаркаларини тайёрлаш, ўтказиш ва ёпиш бўйича зарур тадбирларни амалга оширсин.

6. Ушбу қарор “Наманган садоси” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига (yaninamangatumani.uz) жойлаштирилсин.

7. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

8. Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Умурзақов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **Ж.Абдуллаев**